

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •

• УШБУ СОНДА •

2-БЕТ

ТЕРАК — ҲАММАГА КЕРАК

...Машина ердан униб чиқмайди, албатта. Лекин, ишбилармоннинг таъкидлашича, бўш ётган ерлардан ҳатто машинаям ундириб олиш мумкин экан.

3-БЕТ

«КИМ, ҚАЕРДА!» — ЗУЛФИЯ!

...Баъзан «худойим менга жуда узоқ умрни ато қилибди» деб қўяман...
...Ҳамма чизгиларни маромига етказиш маҳол... Езарман, қўлимдан тушмаса қалам...

7-БЕТ

«ПАНЖАРА»

...Аэрокасса сотувчисининг «кўзаси синиб» қолди...

8-БЕТ

ТТТ


Бош врач титраб турган бемордан сўради:

— Операция столдан нега қочиб кетдингиз?

— Биласизми, — деди бемор қалтираб, — ҳамшира, «қўрқманг, кўричакни олиб ташлаш жуда осон» деди...

— Жуда тўғри айтибди, кўричакни олиб ташлаш жуда ҳам осон!

— Тўғрику-я, у бу гапни менга эмас, аксинча, мени операция қилмоқчи бўлган дўхтирга айтди-да.



БУЮК КЕЛАЖАК БИЗНИКИ.

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА

Анвар ОБИДЖОН:

ОДАМ ЧИРОЙЛИ БЎЛИШ УЧУН КУЛАДИ

Беруний СУЛТОНЗОДА:

ЎЗБЕКЧА СЎЗЛОВЧИ АФРИҚОЛИК ОҚБАДАН ХОНИМ

Рустам МИРАЗИМОВ:

МИРЗО УЛУҒБЕК КАТТАМИ ХУЖА АҲРОР ВАЛИЙ!

БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ
ФАОЛИЯТИДАН

18 август куни Ўзбекистон Республикаси Болалар Жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг навбатдаги IV Пленуми бўлиб ўтди. Ушбу мажлисни вилоят ҳокими ўринбосари Ҳ. Ҳамидов очди.

Болалар Жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси М. Солиҳова Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитасига раислик вазифасига ўтганлиги муносабати билан Жамғарманинг вилоят бўлими раиси вазифасидан озод этилди. Пленум Жамғарманинг вилоят бўлими раиси этиб Хушноза Арслоновани сайлади. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Болалар Жамғармаси раиси И. Юсупова нутқ сўзлади.

Ҳ. Арслонова Республика Болалар Жамғармаси ташкил қилингандан буён яъни 1988 йилдан буён ушбу Жамғармада касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлаб келган.

ОДАМЛАР НАФРАТИНИ ЭСЛАЙМАН

Ҳар гал боласини қарғаётган ёки ураётган аёлларни кўрганимда (афсуски, бундай ҳолга кўча-кўйда тез-тез гурвоҳ бўлиб тураман) бир воқеа эсимга тушади.

Кун иссиқ. Гавжумгина бекатда ҳамма автобус келишини интиқлик билан кутарди. Шу пайт бир аёл икки болани уриб-қарғаб олиб келди:— Шу ерда қимирламай ўтиринглар, ер ютурлар, бир қадам ташласанглар, селфинги синдираман,— дея силтаб-силтаб иккасини ҳам ўтиргизди. Дастлаб аёлнинг юзидagi вожоҳатни кўриб ҳеч ким гапиришга ботинолмади. Аёл эса куракда турмайдиган гаплар билан болаларни ҳамон қаргарди. Ниҳоят юрак ютиб, кексагина онахон, «нега бундай қилаяп-

сиз, қизим», деб сўради.

— Оғзингдан қонинг келгурслар, кўчанинг ўртасида ўтириб тиланчилик қилаяпти, яшшамагурлар!

— Кўйинг қизим, ёш бола ниманиям фаҳмига етарди...

Онахоннинг юзидан болаларга бўлган астойдил ачинаш ҳисси сезилиб турарди.

— Э, ўргатмасангизчи, — бобиллаб берди ҳалиги аёл.— Бола керак бўлса, ана боқиб олинг. Еш эмиш. Бу падар-лаънатиларни кўрган одам кўйди, ўгай она болаларини тиланчиликка қўйбди, демайди...

«Ўгай она» сўзини эшитиб, ҳамма бир-бирига қараб қўйди. Аёлга ҳеч ким ортиқ гапирмади. Мен ҳам болаларга қайтадан разм солдим. Каттаси беш, кичиги уч ёш-

ларда. Уст-боши кир-чир. Аёлнинг зуғумидан қалт-қалт титраб ўтиришибди. Овозлари чиқмайди, кўзларидан маржон-маржон ёш думалайди.

Бекатдаги одамларни кузатдим. Улар нигоҳидаги «онанга, АЁЛга бўлган нафратни илғадим. Илло, бу воқеадан анча вақт таъсирланиб, ўзимга келолмай юрдим. Ростдан ҳам бола бечораларнинг айби нима? Қолаверса ёш болани кўча ўртасида қолдириб кетиш... Билмадим, лекин ҳар гал боласини қарғаётган оналарни кўрганимда ўша кунги, бекатдаги одамлар нигоҳидаги аёлга бўлган нафратни эслайм.

Баҳриддин АБДУ САИД



БОЛАЛИКНИНГ ЗАВҚИ

БАЙРАМ БАЗМИГА МАРҲАМАТ

Шаҳару қишлоқларимиз болажонларимизнинг кўзини қувнатиб байрам либосига бурканмоқда. Бундан катталаримизнинг-да қалбларига шодлик инмоқда. Ҳа, эртанинги мамлакатимизда буюк шодиёна — Мустақиллик байрами бўлиб ўтади.

Шу боис Маданият вазирлиги истиқболни белгилаш услубиёт ва ахборот Республика маркази директори, Мустақиллик штабнинг котиби Жасур Расултоев билан қисқача суҳбатимиз ҳам байрам тараддуди ҳақида бўлди.

— Жасур ака, байрам, болалар билан байрам. Мустақиллик базмларида болаларимизнинг иштироки қандай бўлади?

— Агар дунёда иккита иқтидорли халқ бор бўлса мен шулардан бири ўзбек халқидир деб айтардим. Бунинг ёрқин мисоли сифатида мустақиллик байрамига қатнашаётган талантли болаларимизни кўриш мумкин. Биз байрам базмида фарзандларимиз иқтидорини, бадиий тафаккурини дунёга кўз-кўз қи-

ламиз.

Мустақиллик кунини болалар халқимизнинг санъат намуналарини намойиш қилишди. Ўз маҳорати билан томошабинларни ҳайратга солган Тошкент виллоятлик раққоса қизча Ниҳола Аширбоева ва андижонлик олти яшар Машхур Бадаловлар санъатидан мароқ оласиз. Бу тантанана етти юздан ошдиқ боғча, мактаб ёшидаги болалар иштирок этмоқда.

— Тантананинг қай тариқа бошланиши ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз...

— Узингизга маълум, бу йил Халқаро оила йили деб эълон қилинди. Шунинг учун байрам шодиёнаси ҳам инсон учун мўтабар зот бўлган онани, аёлни улуғлаш билан очилади. Ўзбек халқининг буюк тарихга эга бўлган тарбиявий урф-одатлари, гўзал анъаналари намойиш этилади.

Тантана бошдан-охиригача «Соғлом авлод учун» шiori остида ўтади.

— Байрам базмлари қаерларда бўлади? Уларда ким-

лар иштирок этади!

— Байрам базми барча шаҳар ва туманларда бўлиб ўтади. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида эса асосий базм уч марказий хиёбонда ўтказилади.

Мустақиллик майдонида 31-август кунини театрлаштирилган томошалар ҳамда виллоятлардан келган санъаткорларнинг маҳоратлари намойиш этилади. Биринчи сентябр кунини эл севган хонандалар: Олмаҳон Ҳайитова, Нуриддин Ҳайдаров, Фуломжон Екубов, Ортиқ Отажонов, Олимжон Орифжонов ва бошқалар сизнинг хизматингизда бўлади.

Алишер Навоий номли миллий боғда «Мақом» ансамбли, «Дуторчи қизлар» гуруҳи, «Булбулча» болалар ансамбли, «Тановар» ансамбллари томошаларини кўрасиз.

А. Темур хиёбонида эстрада оркестри ва яқка хонандалар концерт беришди. Хуллас, барча-барчангизни базмга таклиф этамиз.

У. ХОННАЕВА

Етти кун

ЧОРАСИНИ ТОПИШДИ

Сўмнинг истеъмолга киргани ҳўб иш бўлди. Аммо, баъзи ташкилот ва корхоналар мутассаддиларининг боқибегамлиги сабабми, ҳар нечук одамлар иш ҳақларини вақтида ололмай, жиндай қийналиб қолишди-да. Жиззах аккумулятор завўдида ишловчи бир акашонимиз эса, ой охирида уйига қўй етаклаб қайтди. Завўд раҳбарияти унга пул ўрнига қўй бериб юборди.

АРЗОНЧИЛИКМИ Е!..

Кўшработ гўшт бозорида бу гал ҳадеганда савдо юришавермади. Бозор охирайбергач бир жаноб янги сўйилган, ҳали таҳибузилмай турган қўй гавдасини 35 сўмга кўтара бериб кетди.

АНТИҚА КЎРГАЗМА

Бектемир туманидаги «Бўзовчи» маҳалласида антиқа кўргазма очилганига анча бўлди. Унда тешик тоғора, ишдан чиққан уй-рўзгор буюмларидан тортиб яроқсиз ҳолга келиб қолган болалар ўйинчоғигача, молнинг тозаланмаган ичак-чавоғию, ҳаром қотган уй ҳайвонларигача муносиб ўрин олган.

Айтишларича, кўргазма ташкил қилинганга олти ойдан ошган бўлсада, ҳали маҳалла фаоллари бирор марта ҳам ташриф буюришмаганмиш.

«КОММУНИЗМ БУ ЕҚДА»

Маълумки, етмиш йилдан ортиқ Ленин «бобомиз» бизни «коммунизм у томонда, коммунизм бу томонда» деб алдаб келди. Салкам пайғамбар даражасига кўтарилган бу «валломат»нинг ёлгонлари жонидан ўтиб кетган халқ унинг турли томонларга қўл чўзиб турган каттаю кичик ҳайкалларини, бирин-кетин шохсупалардан қулата бошлади. Тошовулликлар эса, [Тошкент виллояти, Ғалаба тумани] бошқачароқ иш туттишди. Етмиш йил номаълум томонларга қўл чўзиб турган «доҳий» бу ерда аниқ манзилли мўлжалга олган. Жамоа ҳўжалиги клуб майдонида ҳануз қад ростлаб турган баҳайбат ҳайкал қорраҳадан тўппа-тўғри ҳўжалик идорасига борадиган йўлни кўрсатиб турибди.

ТЕРАК — ҲАММАГА КЕРАК

Челак туманида яшовчи ҳудонинг бир сўйган бандаси 4-5 йил муқаддам анча-мунча жойга терак қадаб қўйган экан. Яқинда меҳнатининг ҳузурини кўрди. Милжозлар теракзорнинг бир қисмини йиқиб, боғ соҳибига яп-янги машинанинг қалитини тутқазтишди.

Машина ердан униб чиқмайди албатта. Лекин, ишбилармоннинг таъкидлашича, бўш ётган ерлардан ҳатто машинаям ундириб олиш мумкин экан.

САМОЛЕТДА УЧИНГ

20 августдан бошлаб жумҳуриятимиз ҳаво йўлларидан фойдаланиш нархи 20 фойизга арзонлаштирилди. Мақсад миллий валютамизнинг қадрини юксалтириш.

Дарвоқе, бу янгиликдан мамлакатимиз ҳудудида учсангизгина баҳраманд бўлишингиз мумкин.

ТЎЙ ЯҚИН

Ҳадемай мустақиллигимизнинг ўч йиллик байрами кенг ишонланади. Пойтахтнинг «Халқлар дўстлиги», «Туркистон», «Алпомниш» каби саройларида, «Пахтакор» марказий ўйингоҳида ва деярли барча жойида тайёргарлик ишлари бормоқда.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

Шов-шув

БАЖАРИЛМАГАН
БУЙРУК

Ушбу хабаримиз бир врач ва унинг ҳамтовови ҳақида. Бироқ биз бирор беморни даволай олмаган ношуд врач ёки ўз дарди билан ўзи овора касал одамдан пул таъма қилган дўхтирлар ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Қаҳрамонимизнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, у пул топшининг антиқа усулини ўйлаб топган ва бу усулни амалда қўллаб ҳам кўрган.

Хуллас, воқеа баён бўлмай. Андижон тумани Ички ишлар бўлимига мурожаат қилган киши шаҳар умумий овқатланиш корхонасига қарашли қаҳвахонада бошлик бўлиб ишларкан. Эндигина 28 ёшни қаршилаган бу йигит ўз ёшига нисбатан кўп нарсаларни уддаласа-да, яқинда содир бўлган бир «ташвишнинг иложини топа олмаганидан нолиб қолади. Ички ишлар ходимлари ундан батафсилроқ сўзлашни сўрайдилар.

— Бундан 4 кун бурун кечаси икки номаълум шахс келиб, мени кўриштиб 8 минг сўм пулимни олиб кетди. Шу билан бирга улар 16 август кунига яна 75 минг [ЕТМИШ БЕШ МИНГ!] сўм тайёрлаб қўйишни ҳам буюриб кетишди...

Номаълум шахслар буюртмасини тайёрлаб қўйишини иложини топа олмаган жабрдийдага ёрдам беришга чоғланган Ички ишлар ходимлари бундай катта тузоқ қўйган овчиларнинг ўзларини қўлга олдилар. Қизини шундаки, ўз тузоғига ўзи илинган бу икки қаллобнинг бири бекорхўжа, иккинчиси оқ халатини қорага бўяб олган врач экан.

Шўҳрат РЎЗИЕВ

Жумҳурият ИИВ Матбуот маркази ходими

Ким, қаерда?

— Зулфия опа, тахририятимизга келган хатларда Сизни кўп сўрашади. Нимага кўринмайдилар, қандайлар, нима билан шугулланаятилар!..

— Сўраганлар бўлса, уларга раҳмат. Демак, кимгадир керакман. Бу туйғу руҳимга рух, кучимга куч қўшади.

Баъзан «Худойим менга жуда узоқ умрни ато қилибди» деб қўяман. Отам ҳам, онам ҳам бағрилари куйиб узоқ яшамдилар. Оғир йиллар меҳнати, қатагон йиллар олиб кетган ёки мажруҳ қилган акаларим гами уларнинг умрини қисқароқ қилди.

Мен мураккаб даврда яшадим. Энди билсам, афсуски, биз ишонган, эътиқод қўйган кўпгина гоյлар сохта ва ёлгон бўлиб чиқди. Лекин менинг авлодим дўстлик, тинчлик, халқлар учун осойишта ҳаёт истаб яшади, юксак маънавиятни қадрлади. Тақдиримга раҳмат, жуда кўп дўст орттирдим, узоқ-яқинда. Афсуски, уларнинг кўпи ҳозир қаторимизда йўқ. Баъзан уларни соғинаман, улар ҳақида билгим келади, лекин бизни боғлаган жуда кўп ришталар узилиб қолди.

Йўл юрдим, соғиндим, тўкилди байтим Хорижнинг шомлари, саҳарларига Эзгу истақларим жананглаб айтдим Осиё, Африка минбарларидан.

Халқим, ватаним менга шу куч ва ҳуқуқни берган эди...

Энди ўзимга келсам, шукр, соғман, «кексалик гаштини суриб» юрибман. Икки фарзандим ёнига саккиз неварам, етти эварам қўшилди. Булар менинг дармон-дориларим...

— Бадиий ижод билан ҳам шугулланаяти-сизми!

— «Ёшинг бир жойга етганида» аввалги куч ҳам бўлмас экан. Лекин ўтган йиллар юки доимо ҳаёлингни, фикрингни пармалаб, тинчлик бермас экан.

Бир «қора дафтарим» бор. Муқоваси қора, лекин чизгилари ёрқин. Унда талайгина шеърлар қораламаси, айрим тўртликлар, ижодий ниятлар, битмай қолган шеърлар йиғилиб қолган. Баъзан ишлайман ниҳоясига етказиш ниятида. Мана бу йил «Халқ сўзи» газетасида икки шеърим босилди, ёмон эмас деб ўйлайман.

«КЕКСАЛИКДА ХОТИРАЛАР ШОШИРАДИ»

Мулки лак-лак дилни этмасман аён,
Биласиз, яшадим риёдан олис,
Шерият кечирсин,

кечирсин шеърхон,

Замона зуғмидан бўлмадим холис.
Гоҳ товушим етмаса санаманг сукут,
Шояд тарк этмаса дийдаларни нур
Шеърят санъати бўлмайди унут,
Божлиман элиму, юртга бир умр...
Ҳамма чизгиларни маромига етказиш ма-
ҳол... Эзарман, кўлимдан тушмаса қалам...

Ёшлиқда ғайрат ва қудрат шоширади, кексалиқда хотиралар ва имконият шоширар экан. Хотиралар... Ҳамид Олимжон билан кечган 10 йил, атиги ўн йилнинг ўзи ўн дафтар бўлиши мумкин. Чунки ўша давр, ўша авлод ҳаётининг ўзи бир мактаб. Устозларим Ғафур Гулом, Миртемир ҳақида нималардир ёздим.

Эҳ-ҳе, ўйласам гапирадиган гап кўп экан. Утган ҳар бир йил ҳақида бир жумла бўлса ҳам анчагина бўлиб кетади. Зукко китобхон жавобни шеърларимдан топиб олади.

— Бугун, кўнглингизда қандай туйғулар бор!

— Биз янги ҳаётимизнинг уч йиллик байрами арафасида турибмиз. Мустақилликнинг 30 йиллигини, 300 йиллигини байрам қиладиган, юртим жамолини, ўзбек халқ камолини яратадиган ва кўрадиган наслга ҳавасим келади.

Завқим, ҳайда мендан узлатни йироқ,
Емрилда гумрохлик йиллар мақоли.
Очунда, ҳар дилда парпирар чироқ,
Истақлар нуридан ҳаёт сафоли.
Ажинлар из солган кенг пешонамни
Истиқлол ҳаётбахш нури силасин...


— Ўзбекистонимиз шoirлар юрти саналиб келган. Ёш ижодкорларга тилақларингиз!

Мен ёшларни севаман, уларнинг шеърларини қизиқиб ўқийман. Ватанимнинг янги жамолини завқ билан куйлаётган шеърларни ўқиб, нақ ўзим ёзиб қўйгандай шодланаман. Уларнинг янги замон билан ҳамовоз ният ва завқи,



Сўхбатдош: Икром ИСКАНДАР

ўтли қўшиқлари юрагимга ёшлиқ завқини пайвандлайди. Бир доно айтган экан: «Тарих — уни билганики, келажак — уни яратганики». Ёшларимиз учун янги имкониятлар янги вази-фаларни туғдирди. Улар тарихиамизни чуқур билиб, қадриятларимизни сақлаб, келажакни яратиши керак. Бунинг учун билимли, маданиятли, шижоатли ва тадбиркор бўлиш керак. Дунё дарвозалари улар учун очил, уларнинг парвози баланд бўлсин.



«АЗИЗ НЕЪМАТ» БОШҚОТИРМАСИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзлар жавобини шаклда белгилаган хонадан соат миля йўналишида рақам атрофига ёзинг.

- 2. Олий навли унга йўхат унидан, қўшиб, сўт ва ёғ солиб ёпиладиган нон. 2. Новвойлик анжоми. 3. Ҳамир доналари. 4. Патир нонога қўшиладиган масаллик. 5. Фард: «Ёниб ётса да... Нон учун у ватандир» [Пўлат Мўмин]. 6. Новвойликда ишлатиладиган тўқима идиш. 7. Ун ва сувдан тайёрланган қоришма. 8. Юпқа сингги қилиб пишirilган нон. 9. Азиз неъматни тайёрловчи касб эгаси. 10. Жўхори уни нони. 11. Нон ёлиш анжоми. 12. Чакичлаб ёпиладиган нон. 13. Уруғи новвойликда ишлатиладиган ўсимлик. 14. Нон таркибидаги модда. 15. Галла экинни. 16. Зувалага зарур бўлган супрадаги ун.

Энди шакл атрофидаги рақамларни нуқта билан белги-ланган хоналардаги ҳарфлар билан алмаштириг. Икки нуқта-ли хоналарга эса зарур ҳарфларни топиб ёзиш билан топши-риқни ҳал этинг. Бунда шакл атрофи бўйича энг азиз неъматга берилган таърифни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

МЕҲР-ОҚИБАТНИ БОБОЛАРДАН ЎРГАНАЙЛИК

Ҳозирги ёшлар ҳаёти тинч ва осойишта кечаяптими? Турмушимизда турли хил қинғирликлар ва кўнгилсиз-ликлар учрамаяптими?

Албатта дадил «Ҳа» деб айтмаймиз. Мен энг аввало ўсмир бўлганим учун ёшлар ҳаётига назар ташламоқчи-ман. Ҳозир ёшлар ҳаёти жуда мураккаб. Чунки ҳозирги кунда айрим туманларда баъзи ёшларимиз ҳаётидан сигарет ва наша чекиш, қиморбозлик ва ўғрилик каби иллатлар учриб турибди. Масалан, тўй ёки бирор йигитни ҳарбий хизматга жўнатиш муносабати билан бериладиган зиёфатларда айрим ёшлар ҳам тонготаргана қарта ўйнашади. Худа-беҳуда кеч-қурунлари санқишади. Бундан ташқари инсонлар ҳаёти-да бир маротабагина бўлади-ки никоҳ тўйларини ҳам кўн-гилдагидек-жанжалсиз ўта-япти деб бўлмайди. Агар оилада ота-оналар фарзанд-лари тарбиясига алоҳида эътибор бериб, уларнинг қа-ерга бориб қаердан келаёт-гани, қандай ишлар билан шугулланаётганига бефарқ қарамасалар юқоридагидай кўнгилсизликлар ва жиноят-ларнинг бир мунча олди оли-ган бўлар эди.

Фақат оилада эмас балки ҳУДУД инспекторлари ва

миршаблар ҳам мактаб ва ҳунар-техника билим юртла-рида тез-тез бўлиб ёшларга чекиш, ичишнинг зарари, қиморбозлик, ўғрилик каби жиноятлар, уларнинг оқибат-лари ҳақида тушунтиришлар олиб боришса ҳамда ёшларга бўш вақтни қандай ўтказиш тўғрисида фойдали масла-ҳатлар бериб, уруш-жанжал ва унинг кўнгилсиз оқибат-лари ҳақида фикр юритишса нур устига аъло нур бўлу-р эди. Келажакни ёшлар яра-тар экан, улар ҳаётга бе-фарқ қарамай, улар ўртасида содир бўладиган қинғир иш-ларга барҳам бериш зарур. Илгарилари ота-боболари-миз орасида меҳр-оқибат, ор-номус шундай кучли бўл-гани, ҳеч ким уйига қулф осмас, ҳатто ҳеч ким биров-нинг нарсагини олиш у ёқда турсин! Бировнинг молига га-раз билан қарамас экан. Мен ҳозир ҳам ўшандай бўлиши-ни жуда-жуда хоҳлайман.

Чет мамлакатлар билан шартнома асосида иш юри-таётган фирмалар, корхона-лар, ташкилотлар, турли давлатлардан турли хари-дориги товарлар олиб кела-ётган ишбилармонлар ҳамда тадбиркор фермерлар мам-лакатимизда тўқинлик ва фа-рвонлик бўлиши учун ико-

ниятлари борича ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ баъзи ўз манфаатинигина кўзловчи инсофсиз чайқовчиларнинг шундай қийин шароитда ҳам омадлари чопиб, ўз фаолият-ларини давом эттирмоқда-лар. Улар фақат кийим-кечак ва шу каби товарлар билан эмас, ҳатто талондаги ун, гуруч, ёғ каби маҳсулотлар билан ҳам чайқовчилик қил-моқдалар. Одамлар зарур пайтларда улардан сотиб олиб, рўзгорга маълум миқ-дорда тақсимланган бир пайтда улар бу маҳсулотлар-ни қаердандир олиб, баланд нарх қўйиб, халқ ҳаётига сал-бий таъсир этаётганликларини билишармикан!..

Бу иллатларга асосан ҳудуд солиқ инспекторлари ва мили-ция ходимлари қарши курашишяпти. Шунинг учун уларга бир мунча шароитлар яратиб берилди. Миршабла-римизни ҳозирги замон тех-никиси ва анжомлар билан етарли таъминлаш керак.

Агар миршаблар ўз вақти-да чайқовчилик ва турли иллатларга қарши курашса-лар бу қинғирликларнинг бирмунча олди олинади.

Исроил ЮСУПОВ, Чортоқ тумани



Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу-Аллоҳ у зотнинг юзларини муқаррам қилсин!) айтадилар:

— Бир куни ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳу васаллам мени ўз ҳузурларига чақирдилар. Ҳазратнинг ҳузурларига етиб борганимдан сўнг, менга... буюрдилар: «Ё Али! Бугун сенга васият қиламан, сен унга амал қил, дунёда яшашинг гўзал бўлсин...»

Илмининг аввали ва охири шу васиятномада айтиб ўтилгандир:

БУЮРАДИЛАР:

— Ё АЛИ! Мунофиқда уч аломат бор: сўзлаганда ёлгон гапирди; ваъдасига вафо қилмайди; омонатга хиёнат қилади.

— Ё АЛИ! Ҳасадчида уч аломат бор: сенинг ҳузурингда хушомадгўйлик қилади; йўқлигингда гийбатингни қилади; агар бирор кишига мусибат ё ғам етса, шодланади.

— Ё АЛИ! Беш нарса дилини ҳароб қилади; кўп ёмоқ; кўп ухламоқ; кўп кулмоқ; дунё орттириш ғамида юрмоқ; ҳаром луқма ёмоқ.

ЖАННАТ ЭШИГИДА НИМА ЁЗИЛГАН?

— Ё АЛИ! Сахтдил (бағри-тош)да уч аломат бор: заифларга раҳм қилмайди; озага қониқмайди; ҳар қанча насиҳат берсалар, қабул қилмайди.

— Ё АЛИ! Жаннат эшигига: «Бу жаннат бахилларга, риёкорларга ва ота-онасига озор берганларга ҳаромдир!» — деб ёзиб қўйганлар.

— Ё АЛИ! Худонинг розилиги ОНА ва ОТАНИНГ розилигидадир. Тангри таолонинг ғазаби уларнинг ғазабидадир. Наузанбиллоҳи мин аз-золика!

— Ё АЛИ! Хушфёллик кишини рўзадорлар ва ғозийлар даражасига етказади.

— Ё АЛИ! Одамлар намоз ва рўзанинг кўплигидан авлиёлликка эришмасликлари мумкин, лекин нафсни енгмоқ ва саҳийлик билан валийлик топадилар.

Тўпловчи: ТошДУ филология факультети сиртки бўлим талабаси Муҳайё АЛИМОВА

Акс садо

«БОШҚАЛАРДАН УСТУНДАЙМАН...»

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

«Оила ва жамият»нинг 25-сонида чоп этилган Икром Искандарнинг «Донасини 500 сўмдан олганмиз!» номли мақоласини ўқиб, ўзимнинг баъзи бир мулоҳазаларимни ёзишга жазм қилдим.

Мен инсон сифатида озми-кўпми ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларига дуч келганман. Лекин, бирор марта ҳам юракнинг чигилини ёзиш учун тамакига, наркотик моддаларга ёки спиртли ичимликларга (ҳатто пивогаям) қайрилиб қарамаганман. Негадир буларнинг ҳаммасидан ҳатто ҳазар қиламан. Кўпчи-

лик таниш-билишларим менга ҳавас қилишиб, «қандай эркин, бахтли одамсиз-а», дея ўзларининг кашанда ёки ичувчи эканликларидан ишқоят қилишади. Баъзилари эса: «Эркак киши ичши, чекиши керак-да, буларсиз ҳаётнинг нима қизиғи бор. Ичиб, чекканга одам ўлмайди, мана қанчадан қанча ашаддий кашандалар ҳам ўлмай юришибди» деб мас-хараюмиз боқшади. Уларнинг бу гапларига, сеники маъқул деб кулимсираб қўя-қоламан. Тўғри бир умр ашаддий кашанда ё ичувчи бўлиб ўтган бўлса-да, узоқ умр кўрганлар ҳам кўп. Масалан, катта отам ўшлғидан то умрининг охиригача тўхтовсиз чилим чеккан, шунга

қарамай 96 йил умр кўрган. Бироқ, юз йиллик умрининг 70-80 йилини тамакига қўл бўлиб ўтказган.

Чекиш ёки ичиш ҳақида гап кетганда-доим бир воқеа ёдига тушади. Бир куни оғайним билан автобусда кетаётган эдик. Сўхбатимиз ичиш ва чекишга бориб тақалди. Шеридим менга: «Ич-масан, чекмасан сенга ҳаётнинг нима қизиғи бор.

Сен ўзи нимадан кайф қиласан?» — деб, сўраб қолди. Мен ҳам ҳазилга олиб: «Сенга ўхшаганларга ичкизиб қўйиб, томоша қилиб кайф қиламан» — дедим. Гапимизни тинглаб келаётган бир кексароқ аёл сўхбатимизга қўшилди:

ТАШЙИЪ, ЯЪНИ МАЙЙИТНИ УЗАТМАК БАЁНИ

Савол: маййитни қабрга на тариха олиб бормак лозимдур? Жавоб: кўтариб олиб борилур. Оз бўлғонда тўрт киши кўтармак суннатдур ва ҳам имом бўлғон кишига маййитни бир оз кўтариб бормак, тобутнинг тўрт почасини машхур тарихада ушлаб кўтармак суннатдур. Хотину, қизни тобутининг устига бирор парда ташламак ва лаҳад ичига қўйғунча ўшлар парда бирла қабрнинг устини беркитиб турмак лозимдур. Савол: тобут орқасида қабристонга бормак дуруст бўлурми? Жавоб: садақа олмакни ният қилмасдан ибратланмак учун бормак дуруст бўлур, мустахабдур, савоблик бўлур. Савол: қабристонга борурда на тариха борилур? Жавоб: дунё сўзи-

дан сўзламасдан ва кулмасдан тасбеҳу таҳлил айтиб ва ҳам маййитга раҳмат таллаб қилиб борилур. Савол: бир кишини вафот қилғонини эшитгон киши на деб дуо қилур? Жавоб: Инна лил-лаҳи ва янна илаҳи рожиун. Аллоҳумма ин кана ҳазал маййиту муҳсинан фазидни ихсанихи ва ин кана муснан фатажавоз анху деб дуо қилур. Маъноси: таққих, бизлар ҳаммамиз Аллоҳга махсус бандамиз ва ҳам албатта бизлар Аллоҳ таолоға қайтурмиз. Ё, Раб, агар бу маййит яхши кишилардан бўлса яхшилиғини зиёда қилгил ва агар гуноҳкор кишилардан бўлса гуноҳини авф қилгил демақдир.

«Ибодати исломийя»дан



ҲОРДИҚ

А. САПАРМАТОВ сурати

— Уғлим, шу кунгача умуман ичмаган, чекмаган бўлсангиз, бундан кейин ҳам бу зормандалардан узоқроқ юринг. Ичаётган ёки чекаётган одамлар «мен шу билан эркаклик қилаяпман, эркак киши шундай қилиши керак» дея ўйлайдилар. Аслида эркаклик вазифасини удалой олмаган, ҳаётдаги баъзи бир қийинчиликларга чидаялмаганлар аллаҳини сигарета ёки ароқдан олишади. Аёлнинг бу гапидан кейин

ўзимда устунлик ҳис қилдим. Бу гапларни айтишдан мақсад ўзимни мақташ эмас, фақат барча тенгқурларимга, ичувчи, чекувчи биродарларимга бир гапни айтиб қўймоқчиман, холос:

Ғурурингизни оёқ-ости қилиб, жиловингизни тамаки тутунига тутқазиб қўйманг!

Зокиржон МАМАЖОНОВ,
Анджон Давлат дорилфундуни филология куллиети толиби

Маслаҳат

БУГУН УЧРАЙДИГАН КАСАЛЛИК

Уткир ошқозон касалликлари ҳар хил микроорганизмлар (микроблар) кўзгатадиган ва ич кетиши, қорин оғриғи, дармонсизлик иситма чиқиши билан кечадиган касалликдир.

Касаллик одам организмга ҳар хил микроблар ё улар ажратиб чиқарадиган захарли моддалар тушиши натижасида ривожланади. Улар гўшт, сут маҳсулотлари, сабзавотлар, нотога сув, эскирган маҳсулотлар орқали тушиши мумкин.

Бунда чивиннинг «ёрдами» катта. Чивинлар чиқинди, ахлат, ва гўнларга қўниб, оёқларида микробларни олиб, сўнг хонадонлардаги озиқ-овқат маҳсулотларининг, мева-сабзавотларнинг устига қўнади ва уларни зарарлантиради.

Уткир ошқозон касалликлари ёз ойларида кўп учрайди, чунки бу пайтда микроблар ривожланиши учун шароит туғилади. Улар иссиқ ҳавода тез кўпаяди.

Касаллик ривожланганда микроблар ўзидан захарли модда

ажратиб чиқариши натижасида одамда ич кетиши, кўнгил айнаши, баъзан қайт қилиш, иситма, дармонсизлик, аъзои-баданнинг қашаб оғриши, қорин оғриғи, бош оғриғи, иштаҳанинг бузилиши каби белгилар кузатилади.

Касаллик катталарда ҳам, болаларда ҳам учрайди. Айниқса болалар организмда ҳимоя кучлари бир қадар ожизроқ бўлганлиги ва гигиена қоидаларига яхши амал қилмасликлари сабабли уларда кўпроқ учрайди.

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

— Овқат тайёрлаш ва озиқ-овқатларни истеъмол қилишдан олдин қўлларни доимо совунлаб ювиш;

— сув, сутни доим қайнатиб ичиш;

— хонадонларда, ишхоналарда чивинларнинг кўпайишига йўл қўймаслик;

— нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини полиэтилен халтачалар, усти берк, қопқоқли идишларда сақлаш;

— мева ва сабзавотларни тоза сувларда ювиб истеъмол қилиш;

— болаларнинг тирноқларини ўз вақтида олиб, қўлларини тоза туттишга ўргатиш;

— Ҳар бир кишининг турмуши-да тозалikka амал қилиш;

ДАВОЛАШ

Мабодо бу касалликни ўзим даволайман десангиз, охиригача даволай олмайсиз, бунинг оқибатида касаллик сурункали шаклга ўтади. Унда даволаш оғирлашади. Бошқаларга ҳам юктиришингиз мумкин. Шунинг учун, мабодо, кўнгил айнаиб, қоринда оғриш пайдо бўлиб, ич кетиши кузатилса тезда тиббиёт ходимларига мурожаат этинг!

Муҳиддин ТИНИБЕКОВ

Дераза

ПРЕЗИДЕНТ ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИНИ КЎРСАТДИ

Белорус Республикаси Президенти Александр Лукашенко ўз оиласи билан хизмат уйида яшайпти. У ҳеч қандай мол-дунёга, ер-майдонга ёки кўчмас мулкка эга эмас. Президент ўзининг сайловди ваъдаларини эсдан чиқаргани йўқ. Жаноб Лукашенко туман омонат банкасида бор-йўғи 16 минг рубл пули бор эканлигини маълум қилди.

ЭНГ АРОҚХЎР ҚИШЛОҚ

Оренбург вилоятида ароқхўрлик бўйича Красная поляна қишлоғи ақли байроқни ҳеч кимга бермай келмоқда. Улар маош ёки нафақа олган захоти ичкиликни бошлаб ўйоришиб, то бир чакаси қолгунларича тўхтамаяпти.

Хўжалик бошлиғи Владимир Литвинов: «Тўхташлар, ахир бутунлай хароб бўласизлар-ку!» — дея қишлоқдошларини огоҳлантирмоқда. Зор қақшаб, ялинсада, ҳеч фойдаси бўлмаяпти. Энди: ё «сталинчасига» меҳнат тартибини жорий қилиш ёки қишлоқни умуман тарқатиб юбориш керак». Хўжалик раҳбарларининг сўнги хулосаси шундай.

САҚИЧДАН УЛИМ

Смоленск муаллимлар олий билимгоҳи толибаси сақич чайнаганча телефон орқали гаплашиб турарди. Бечора кизнинг кутилмаганда овози хирқираб эшитла бошлади кейин бўғилиб қолди. Кейин эса... йиқилди ва ўлди, деб хабар беради вилоят газетаси «Рабочий путь».

КИМ ВАҲШИЙ!

Харков ҳайвонот боғига ярим тунда миршаблар ёрдамга келишди. Аниқланишича, бу ердаги битта она кенгуру ва унинг иккита боласи ўғирланган экан. Ҳимоячилар жиноятчини қўлга туширишди. Ҳайвонот боғига она кенгурунинг таҳрирлаб ўлдирилган жасади ҳамда унинг битта боласини толиб келтиришди. Қолган митти кенгуру ҳалигача қидрилмоқда. Ҳайвонот боғи бошлиғи Елена Ткаченко ҳайвонларни кўриш учун келган одамлардан хафта.

— «Тилсоҳнинг бутун танасини муҳлисларимиз тош ва таёқлар билан уриб яра қилиб юборишди. Бегемотни эса металл ўқли рогаткалар билан отиб ҳамма ёғини қонталаш этиб қўйишган. Бу воқеаларни кўрган оломон йиғлашнинг ўрнига нуқул мазага қилиб кулишади... Демак, биз ваҳшийлашаймиз!» — деган хулосага келди у.

Хорижий манбалардан олинди



Р. АЛЬБЕКОВ сурати

БАХТЛИ БОЛАЛИК

Табриклаймиз!

УЛУҒБЕК ака ва ОНАЖОН янги!

Сизларни никоҳ тўйларингиз муносабати билан самимий қутлаймиз. Илоҳий бахт, оилавий иноклик ва мустақам соғлиқ тилаймиз. Оллоҳ кўнглиларингиз тўлғунча фарзанд ато этсин!

Фурсатдан фойдаланиб **ОНАЖОН** янгамизни 1 сентябр туғилган кунлари билан ҳам муборакбод этамиз.

Юксак эҳтиром ила: укаларингиз **РУСТАМ, НОДИРА, БЕРУНИЙ** ҳамда жияларингиз **САНЖАР, НАФИСА** ва **САРВАРБЕК АЛИМОВЛАР**.

Богоғ тумани, Қулонқоробод қишлоғи

Дилбаронимиз, ширинтойимиз **СОДИҚЖОННИ** 5 ёши

қаришлайётгани билан чин юракдан табриклаймиз. *Илоҳим умринг боқий, юзинг ёруғ, осмонинг тиниқ бўласин. Сenga Худодан юз йил умр тилаб қолувчи оила аъзоларинг номидан Лазоқат НАБИЕВА.*

Тошкент шаҳри

Оила

28 ЕШДА

Олий маълумотли ўқитувчидан. Ҳали уйланмаганман. Табиатим оғир, меҳрибонман. Ҳаётни аччиқ-чучугини тушунадиган, маърифатли покиза қиз бўлса танишишга тайёрман. Ўзбекистонни қаеридан бўлса ҳам фарқи йўқ. Еши 20-27 оралигида бўлса. Менинг ўзим қашқадарёликман. «Оила-346» мактубларингизни интизорлик билан кутади.

26 ЕШДА

Тошкент вилоятилик, ҳарбий, ўзбек йигити, буржи эгизаклар. Уйланиб кўнгилсиз бўлиб ажрашган. Оғир-вазмин, дилипок. 23-25 ёшгача бўлган ақлли, иболо қиз билан оила қуриб, қувонч ва ташвишларни баҳам кўришни истайди «Оила-347».

53 ЕШДА

Барча шарт-шароити етарли катта боғ ҳовлида Фарғона вилояти туманларидан бирда яшайман. Худога шукр бири-биридан аъло фарзандларим бор. Аммо бу дунёда энг олий бахт оилавий бахтдан маҳрумман. Чунки қадрсизлик, ҳурматсизлик туфайли аёлим билан ажрашганман.

Ўзим ҳақимда: касбим — шофёр, соғлиғим яхши, ичмайман-чекмайман. 30—52 ёшлар атрофида бўлган тар-

бияли, меҳрибон [Бошқа шаҳардан бўлса кўчиб ўтишга розиман] аёл билан танишиб қолган умримни унга бахшида этиш ниятидаман «Оила-348» хатларингизни интизорлик билан кутади.

33 ЕШДА

Тошкентлик, турмушга чиқмаган, ўқитувчи, санъат ва адабиётни севади, оғир босиқ [шахсий уйи бор] ўзбек қизи 31-38 ёшгача бўлган тошкентлик ёки бошқа шаҳардан бўлса ҳам Тошкентда яшашга рози ўзбек йигити билан танишиб оила қурмоқчи. «Оила-349» мактубларингизни кутади.

35 ЕШДА

Хоразмданман. Елғиз ўзим катта ҳовлида яшайман. Ҳали

турмуш қурганим йўқ. Ичмайман-чекмайман, ёлғон сўзлаган одамни жуда ёмон кўраман. Болалиқдан иккинчи гуруҳ муғирониман. Агар ўзимга муносиб, олийжаноб, албатта боласи бўлса янада яхши, вафодор муслима [қаерда яшаса ҳам яшайверишим мумкин] бўлса у билан чиройли оила қуриб бутун ҳаётимни бўлғуси оиламга бахшида этардим «Оила-350».

Изоҳ

«Танишув» эълонининг баҳоси 15 сум, шунингдек «Табрик», «Эзаро савдо» эълонлари кўйидаги тартибда белгиланган; 1 босма белгининг [харф, тиниш белгиси] баҳоси 10 тини. Табрик сурати билан берилса, битта суратининг баҳоси 10 сум. Уч кун муҳлат ичиде берилмаган эълонлар икки баравар қиммат.



Нормурод МУСОМОВ — 1966 йил Самарқанд вилояти иштихон туманидаги Алишер Навоий номли жамоа ҳўжалигининг Каттақангли қишлоғида туғилган. 1992 йилда Тошкент Давлат Дорилфунунининг журналистика факультетини тамомлади. Шеърлари мамлакат матбуотида кўплаб эълон қилинган. «Хаёлга сайр» номли биринчи китоби чиқиш арафасида.

Кўнларингнинг қаросини териб олиб,
Тунларингнинг қаросини териб олиб,
Бир сен учун яшамоққа ҳозирдирман,
Унларингнинг қаросини териб олиб.

Хўнларингнинг қаросини териб олдим.
Ва еб-ютиб борлигинга таъзим қилиб.
Бир сен учун энгилмоққа тайёрдирман,
Битта ўзим минг голибни ҳазм қилиб.

Сен ... кетиб бораётганда,
Сен ... етиб бораётганда,
Сен ... ўтиб бораётганда,
Мен ... йтиб кетаётгандим.

Сен ... йиртиб бораётганда,
Сен ... юртиб бораётганда,
Сен ... ютиб бораётганда.
Мен ... ситиб кетаётгандим.

Сен ... ўқиб бораётганда,
Сен ... ўқиб бораётганда,
Сен ... чўқиб бораётганда,
Мен ... сўқиб кетаётгандим...

«КўНГИЛ ОЙИ ПИЁЛАДА СУЗИБ ЮРУР»

Кўнгил дил истади, кўнгилга яқин,
Қонига қиличдек фаввора тушиди,
Сумбати солланиб, сийнаси балқиб,
Сочлари шамолдек оёвора тушиди.

Кўнгил дил истади, кўнгилга монанд,
Кўйнига дунёдек малоллар тушиди,
Тонгларга тикилган шабнамлар мисол,
Садаф кўйлак кийган хаёллар тушиди.

Кўнгил дил истади, кўнгилга лойиқ,
Лойига чавандоз чўпчаклар тушиди,
Еллари хиёнат чилликларидан,
Кўзлари қамашган чечаклар тушиди.

...Кўнгил ҳеч нарсани истамай кўйди,
Ўртага офтобдек йўқлашлар тушиди,
Ерлиги доладек силкиниб юввои,
Сурнайдек ёғириб йиғлашлар тушиди.

«Дарёларнинг ул юзида уйларингиз,
Оқаришиб кўрилади бўйларингиз»
(Халқ кўшиғи)



Уйғотди ва гулдек тўлиб яшаб кетди,
Иқболлари хаёлимга ўзиб кетди,
Кўнгил-кўнгил хавотирлар ташлаб кетди,
«Дарёларнинг ул юзида уйларингиз»,
Оқаришиб оқиб ётган бўйларингиз.

Шундан бизнинг киприкларга чизиқ тушиди,
Қошларини чимиртириб, чизиб тушиди,
Десам тузуқ тушидимикин? Узиб тушиди!
«Дарёларнинг ул юзида уйларингиз»,
Оқаришиб оқиб ётган бўйларингиз.

Овунирдиқ ўзимизни дами билан,
Кўзимизга етиб турган нами билан,
Синдиришга қасд қилибдир таъми билан,
«Дарёларнинг ул юзида уйларингиз»,
Оқаришиб оқиб ётган бўйларингиз.

Бизнинг кўнгил-кўнгиликда энгилмишидир,
Ўсмалари энгилдан ҳам энгилмишидир,
Ғамларига фақат бизни кўндирмишидир,
«Дарёларнинг ул юзида уйларингиз»,
Оқаришиб оқиб ётган бўйларингиз.

Унутди ва гулдек узиб ташлаб кетди,
Лабларида исмларим қақиш кетди,
Билмам ўзи қимлар билан яшаб кетди?
«Дарёларнинг ул юзида уйларингиз»,
Оқаришиб оқиб ётган бўйларингиз.

Сочларига симиртириб бахтларимни,
Қошларига сингиртириб тахтларимни,
Бузганича менга берган аҳдларини,
Зеболарим бу кун мени ташлаб кетди.

Кўнглимдан гул узиб юрган гуланбарлик,
Тўрвасида зарри тўла қаландарлик,
Қабоклари қилич ютган мўзаффарлик —
Зиёларим бу кун мени ташлаб кетди.

Ераб, кўнгил уриштириб хаёл билан,
Кетадирман икки дунё малол билан,
Дил ёшимга муҳрланган увол билан,
Самоларим бу кун мени ташлаб кетди.

Ҳаволардан юрагимда бир из қолди,
Унгирларин чақмоқ урган илдиз қолди,
Оловлигим завол билан ёлғиз қолди,
Хўмоларим бу кун мени ташлаб кетди.

Энди фақат бизга адан ўқиниш бор,
Синиб кетган киприклардек юлқиниш бор,
Сўқиниш бор, оғир-оғир ютқиш бор,
Наволарим бу кун мени ташлаб кетди.

Фаросатим етмабимди билолмадим,
Хўшим учди, ўзим ўнглаб ололмадим,
Улар билан бир умрга қололмадим,
Саболарим бу кун мени ташлаб кетди.

Еноқлари ёниб юрган йигит эдим,
Қорачиги тиниб юрган йигит эдим,
Бугун луниж қонаб турган йигит бўлдим
Аълоларим бу кун мени ташлаб кетди.

Уқсинма дил, яхши кўнга етдик биз,
Чораси бор ўша шинам очиқликнинг,
Ўртализда битта худо тайин бўлса,
Нафи тегар бизларга ҳам очиқликнинг.

Еруғлик шу — ўйилмишидир пешонамга,
Фаслларнинг заҳар ичган чиқиқлари.
Жавобгарсан лисонимга бир доғ тушса,
Синиб кетса ўраб турган узуклари.

Замон келди — муҳтарамлик ҳўкм қилгай,
Орамизни ёриб утган қиличларни.
Сенга насим атлас-атлас хаёл берса,
Менга тутгай атлас-насим илгичларни...

Қара, уним кўзларимни ёриб чиқар,
Жони бўлиб бағри тошқин очиқликнинг.
Орамизда битта севги адо бўлса,
Ўзимизга нафи тегар очиқликнинг.

Умр — катта денгиз!
Жаҳолат — илон,
Муҳаббат — балиқ,
Яхшилик — сув париси.

Умр — катта йўл!
Пастлиги — қулаш,
Бурилиши эса ёшлик билан
кексалик ўртасидаги масофа.

Умр — катта карвон!
Даврлар — туя,
Ташвишлар — юк,
Орзулар — сарбон.

Умр — тўрт фаслди!
Қиш — аччиқланиш,
Баҳор — алданиш,
Ез — ишонч,
Куз — кечирим дегани холос.

ТўРТЛИКЛАР

Баҳор дедим, баҳорларни келтирдилар,
Саҳар дедим, саҳарларни келтирдилар.
Бу дунёнинг қаромати асли шундай,
Заҳар десам заҳарни ҳам келтирурлар.

Кўнгил ойи пиёлада сузиб юрур,
Донғингизни ювиб тушар боқмасангиз.
Бизнинг севги сизникидан ортиқ эрур
Кўзларингиз оқиб тушар ёқмасангиз.



ТЕНГЛИКЛАР

Деҳқоннинг пешонасидан сириққан тер
Теппа-тенг кўз ёшлари билан бева қолган аёлниг.
Ва яна мос келгай жуда
Ортиқча эрк олган хаёллар баъзан,
Ортиқча эрк берилган аёллар билан.

КўЗДАГИ ЁЗУВ

Кўзингизга қараб ёлгон гапираяпман,
Шунинг учун мендан хафа бўлмагиз.

ИЛДИЗНИНГ АРМОНИ

Биз фақат ерининг остига қараб ўсамиз.

ЭНГ СОФ ҚАСАМ

Муаллим, «2» қўйманг,
Эртага ўқиб келаман...

БАҲОНА

Кечирасиз, эсимдан чиқиб кетибди.

ОЁҚНИНГ ХАЁЛИ

Ихтиёр менда бўлганда қўлларни ҳам оёқ қилиб
яратардим.

ҚўЛНИНГ КИНОЯСИ

Оёқсиз ҳам бемалол яшаш мумкин.

ТИРНОКНИНГ ВАҲИМАСИ

Яхшиям этнинг ичида яшайман...

ҚИЗЛАРГА ЯРАШМАЙДИГАН ГАП

— Сизни севар эдим...
Агар рози бўлсангиз.




Р. С. Газетамизнинг жонқўяр муҳбири
Нормуроджон шу кўнлари тўй ташвишида.
Келинимиз Матлубаой билан янги ҳаёт
остонасида туришибди. Биз ҳам уларга бо-
болардан қолган эзгу тилакларни билдира-
миз. Илоҳ қўша қаринлар, ували жували
бўлингизлар, Оллоҳ сизларга доимо мадад-
кор бўлсин.
Ҳурмат билан «Оила ва жамият» ходим-
лари.

Халқимизда қаловини топиб қорни ёқиш мумкин, деган нақл бор. Кўпинча ўз ожизлигимизга ташқи таъсирларни, бизга боғлиқ бўлмаган омилларни вазъ-карсон қилиб кўрсатсақ-да, унинг асл сабабларини ўзимиздан излаш лозимлигини унутиб қўямиз. Модомики, барча истақлар рўёбга чиқишининг қалити билим экан, омадимиз юршимаётганига билимсизлигимиз панд бермаётганимиз, деган ўринли савол туғилади. Илмли киши билим билан бирга қомил шахс учун зарур жасурликка ҳам эга бўлади. Бундай одам тайёр имконият туғилишини кутиб ўтирмасдан, ҳар қанақа шароитда уни излаб топишга ҳаракат қилади.

Аммо буни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Савдо-сотикда етарли билим ёки малакага эга бўлмасдан қонуний йўллардан оғиб кетаётган ҳаваскор «савдогдорлар», ўз йўналиши ва режаларини сарҳисоб қилмасдан тузилиб, иши фақат ўзгалар зиёнига кун кўриш бўлиб қолган «олиб-сотар» фирмалар, номингагина ишлаб чиқариш корхонаси деб аталадиган корхоналар ҳақида шундай дейиш мумкин.

Аммо яқинда иш юртиши билан танишишимизга тўғри келган «Галлант» фирмаси фаолияти, унинг ёш ва бош директори Азамат Исмоиловнинг ҳаракатлари, ўй-мулоҳазалари, ўз билимини амалда қўллаш учун астойдил олиб-югуришлари фикримизни юқоридаги каби тасаввурлар занжиридан бўшатгандек бўлди.

Азамат Исмоиловнинг касби муҳандис. У қиш жараёнида ҳам УЭФА Иқтисод институтида ишлаган. Ҳозир шу институт аспирантурасида Ўзбекистонда қўшма корхоналарни ривожлантириш мавзусида илмий иш олиб бораётди. Миллий Бизнес университетидега ҳиссадорлик корхоналари иш услуби бўйича ҳам таҳсил олган, иқтисод илмини ўрганган. «Ўзбекистон агробиржаси», «Актоби биржаси» ва «Тошкент» биржаларида малакасини ошириб, брокер агент даражасидан Брокерлик маҳкамаси бошлиги лавозимлигигача кўтарилган. Икки ўғилнинг отаси. Рафикаси Дилоромхон ўқитувчи.



кузатиш мумкин. Айтинг-чи, киши қонун билан иш кўрган ҳолда ўз иқтисодийтини юқорикўрсаткич даражага олиб чиқиш имкони борми?

— Бизда имконият кўп. Қолаверса, мамлакатимизда киши ўз гоёларини, уддабуронликларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Фақат зарур билим ва малакага эга бўлиш учун кунт билан ўқиш ва ўқиб, тинмай изланиш ва меҳнат қилиш керак. Дейлик, бизда чиқит маҳсулот ҳисобланадиган гўзапоядан тақчил маҳсулотлар олиш имкони бор, афсус бундай омилларга эътибор кам.

— Сизнинг ушбу соҳани талашингизда оилангизнинг таъсири борми?

— Отам Б. Исмоилов фалсафа доктори, профессор, онам ҳам тарихчи-этнограф. Эҳтимол, онам томондан ўтган савдогар аждодларимнинг қони тортадир.

— Иқтисодчи сифатида юртимиз келажагини қандай тасаввур этасиз?

— Вақти келиб биз танлаган иқтисод йўлини бошқа ривожланиётган давлатлар танлашига ишонаман. Ҳозирги биз қўяётган пойдевор шундан далолат беради. Япония, Жанубий Корея каби давлатлар Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги инқироздан қайта ишлаб чиқиш технологиясига амал қилиб чиқиб кетишган бўлса, биз ўз шароит ва хом ашёларимизга асосланиб иш кўраёلمиз. Бу танлаган йўлимизнинг ўзи-га хом томонларидан бизи.

Рустам ҚОБИЛОВ
суҳбатлашди

ИЛМНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ САНЪАТИ

— Азамат ака, институтда ҳам, аспирантурада ҳам ишдан афралмаган ҳолда ўқиган экансиз. Гарчи улар ўзаро яқин ва боғлиқ соҳалар бўлишса-да, кишини толиқтириб ёки бездириб қўймайдими?

— Аксинча, уларнинг бири-бирига ижобий таъсири катта бўлди. Менда ўз билимимни амалда синаб кўришим учун бундай имконият бўлиши қийин эди. Қолаверса, иш фаолияти иқтисодни ўрганишида ҳам қўл келди.

— Ҳозир турли фирмалар кўп бўлса-да, уларнинг ҳаммаси ҳам элимизга, юртимиз ривожига бирдек ҳисса қўшаётми, деб бўлмайди. Сиз фирмангиз ҳақида нима дея оласиз?

— Бизда кўпчилик фирма очиб билангина кифояланиб қолишмоқда. Уларнинг аксарияти ўз сармоясига ва ҳомийсига эга эмас. Гапнинг индаллоси, бу соҳада керакли билим, укув етишмайди. Ҳар бир фирма раҳбари ҳисоб-китоб ишларини, ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билиши шарт. Шу каби сабаблар ҳам ишга салбий таъсир кўрсатиб, кўпплаб фирмалар пул топишнинг энг осон йўли бўлган олди-сотида билангина машғул бўлиб қолишмоқда. Бироқ бу иқтисодий раванқига тўқинлик қилиши табиий. Биз олди-сотида эмас, ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз. «Галлант» фирмасини ташкил этиб, шароит тақозоси билан тарқаб кетиш арасида турган цехларни топиб, хом ашё, иш билан таъминладик. Хатто ижара, йўлқира ва иш ҳақини ҳам фирмамиз ўз зиммасига олди.

— Маҳсулотларингиз истеъмолчилар талабига жавоб бера оладими?

— Биз асосан ўрта ёшлардаги эркек ва аёллар учун кийим-кечаклар тикамиз. Чунки бу ёшдаги одамларнинг гавда тузилиши кўпинча

белгиланган стандартга тўла мос тушавермайди. Масалан, эркеклар кўйлақларининг ёқаси кенгроқ бўлиши, аёллар уй халатлари ва кўча кийимлари улар эркинроқ ҳаракат қила оладиган бичимда бўлиши лозим. Биз шу каби миллий жиҳатларни ҳисобга олишга ҳаракат қиламиз.

Хуллас, фирмамизда тақчил ҳисобланадиган кенг ва катта ўлчамдаги кийимлар тикилади.

— Маҳсулотларингизни қай тарзда истеъмолчиларга етказасизлар?

— Тошкент шаҳри ҳудудида Хадрада ва Чилонзор туманида жойлашган бир неча савдо шаҳобчалари ҳамда дўконлар билан шартнома тузганмиз. Уларга шартнома бўйича кўтарасига сотаямиз. Кийимларимиз худди шу турдаги хориж маҳсулотларидан бир неча (5-10) барава арзон. Миллий урф-одатларимизга мос бўлгани учун ҳам чет эл маҳсулотларидан кўра бозор қаққон. Бундай кийимлар Тошкентдагина эмас, вилоятларимизда, қўшни республикаларда ҳам ўз харидорини топиб олади. Аввало, пахтадан ишланган мато об-ҳаво шароитимиз учун қулай, соғлиққа безиб.

— Фирмангиз маҳсулотлари вилоятларга воситачилик орқалигина етиб бора керак. Вилоятлардаги дўконлар билан шартнома тузилса, воситачилик ва олиб-сотарликка чек қўйилмайди!

— Икки томонлама имкониятлардан келиб чиққан ҳолда вилоятлардаги дўконлар билан бажону дил шартнома тузиш мумкин. Маҳсулотларимизнинг узоқ вилоятларга етиб бориши учун уларнинг манфаатларига мос шартномалар ҳам тузишимиз мумкин. Умуман Урта Осиёдаги барча жумҳуриятларда маҳсулотларимизнинг харидориги бўлишига имоним қомил. Маҳсулотларимиз

билан қизиққан ёки сотиб олиш истаги бор ўртоқлар 45-38-67 рақамли телефонга бемалол мурожаат қилишлари мумкин. Фирма манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2 А-уй.

— Ишлаб чиқараётган маҳсулотларингиз бугун талаб ва эҳтиёжларингиз қондираётгани билан, эрта бир кун технология, сифат жиҳатдан орқада қолиб кетмасмикин!

— Шундай бўлиши муқаррарлиги ва қўшма корхоналарни ривожлантириш ҳақидаги илмий ишимни амалда асослаб бериш учун ҳам қўшма корхона очиб, илгор чет эл технологиясини олиб кириб, шу соҳада ўзимизда ҳам малакали мутахассисларни кўпайтиришга ҳисса қўшиш ниятим бор. Бу қўшма корхонада ишчи кучи ўзимиздан бўлиб, чет давлат билан уларни ўз технологияларига тайёрлаб бериш бўйича шартнома тузилади. Бу учун бизда имкониятлар, махсус малакали мутахассислар етарли. Фақат замонавий ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш зарур. Қўшма корхона очишда ишчиларимизнинг малакасини, айтиш хорижий мамлакат технологиясини ва мавжуд хом ашё сифати ва захирасини назардан қочирмаслик лозим. Уларнинг ҳеч бири кейинчалик корхона иш фаолиятига панд бермаслиги керак.

— Фирмангиз иш услубини ташкил этишда бирор хорижий фирма иш услубига таянасизми?

Уларнинг тажрибаси биз учун бутунича мос тушавермайди. Тўғри, машҳур хорижий фирмалар фаолиятини ўрганиб чиқиш зарур, аммо иш юртишининг ташкилий томонларинигина ўзлаштириб, бошқа ҳолларда ўз шароитимиз ва талабларимиздан келиб чиқиб иш тутиш керак, деб ўйлайман.

— Ҳозирги пайтда одамлар ҳар турли ишларга ўзларини урғинмоқда. Бундай уддабуронликнинг аксариятида қонуни мезонларидан четга чиқиб кетиш ҳолларини

Панжара

ЎҒРИЛАРНИНГ АСЛ КАСБИ

Жиззах лойиҳа институтида йўқолган компьютер ва фотоаппаратлар топилди. Ўғирларни ушлаб келган ички ишлар қўрғинлари уларнинг гаржийам қоли билан танишган, ёна ушлаб қолишди. Чунки ўғирларнинг бири фирма директори, иккинчиси «Мутахассис» деб номланувчи ширкат директорининг муовини ва яна иккитаси шу ширкатнинг ишчилари экан.

САМАРҚАНДЛИК «ИШБИЛАРМОН»

Самарқанд шаҳрининг Гагарин кўчасидаги Аэрокосмос сотувчисининг «кузаси синди». У Москва сафарига отланган бир жабондан чипта нардидан ташқари 194 сўм устима ҳақ олаётиб қўлга тушиб қолди. Оқдэй одамларнинг бир олдга ишлаб топилган пулни битта чиптанинг гардандан оладиган бу «ишбилармон» неча одамнинг шўрини қўритгани аниқланмоқда.

ҲАММА АЙБ ШАЙТОНДА

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги марказий касалхона шифокорларидан бири иккинчи гуруҳ ногиронининг ногиронлигини тасдиқлаб бериш учун ундан 200 сўм пул талаб қилди. Ва шу пулни хизмат хонасида олаётганда...

АСАЛАРИЧИННГ ҚОРА «АСАЛ»И

Кўнгирот темир йўл бекатида Тошкент республикаси Душанбе шаҳрида яшовчи, Ленин туманидаги хўжалиқларидан бирида асаларчи бўлиб ишловчи 28 йил янгиликни ёнidan 400 грамм қоразорини олдаси топибди. Асаларчининг қора асални юзасидан терговни транспортдаги Ички ишлар бўлими ходимлари олиб боришмоқда.

ҚОВУНГА КЕП ҚОЛИНГ!

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги ДАН ходимлари устига кеп ортинган «КамАЗ» машинисини тўхтатдилар. Унга ноқонуний тарзда ортинганлиги сабабли 10 тўна қовун ширинликлар дастурхонидега қолдирган бўлди.

БАРИБИР ТУШУНМАДИ

Нукус давлат педагогика олийгоҳи рус тили ўқитувчисини тўрт-беш талабга тилини ўргатолмади-ўргатолмади-да. Яншлаб ўқиб тилини ўргатолмаган талабарлар энди доланин дилини топишга ҳаракат қила бошлашди. Шўринг қўргур домла бир шогирддан 300 сўм пара олаётиб қўлга тушиб қолди. Бу талабарлар келг одамни тушинмади-тушинмади-да.

Эндигина пинакка кетган Сотимбойнинг хотини кўча эшигининг таққиллашидан чўчиб уйғонди. Деразадан ташқарига мўралади. Ташқари зим-зиё. Бирор шарплани илғаб бўлмайди. Шу пайт таққиллаш яна қайталади. Хотиннинг юрак уриши тезлашиб, вужудига қалтироқ пайдо бўлди. Деразадан узоқлашди. Кўрпага ўраниб ётган эрини уйғотмоқчи бўлиб, туртди. Паст овозда пичирлади.
— Сотимбой-й ака-а! Сотим...
Таққиллаш яна такрорланганда кўркувдан тили тутила бошлади.
— Вой, ўлмасам, ту-туринг!
Ширин уйкуда ётган Сотимбой эса бир чайқалиб олди-да, яна хурракка зўр берди.
Энди хотиннинг хавотири орта бошлади. Кўркувнинг зўри билан Сотимбойнинг бошини уёқ-бўёққа силтай бошлади.
— Сотимбой ака-а! Кўзингизни очсангиз-чи! Эркак бўлмай ҳар бало бўлинг! Туринг бундоқ!

Сотимбой аввалига бир-икки инқиллаб, сўнг «янами» деганча у ёнбошидан бу ёнбошига ағанади.
— Ҳа, яна!— деди хотини пичирлаб.
— Нима, яна?— деди Сотимбой истар-истамай.
— Яна таққиллади! Чиқиб қарангчи, ким экан?
— Эй, кўй, тун ярмида ким ҳам бўлиши мумкин? Яхшиси, ухла! Келган одам қайтиб кетаверади...
Хотин эрининг далдаси билан ўрнига кириб ётди. Бироз кўзини юмиб ётди-да, кўнгли тўлмади чоғи, яна эрини туртди.
— Сотимбой ака-а! Ҳеч бўлмаса ховлини бир айланаб келинг.
Сотимбой гўлдирай-гўлдирай ўрнидан туриб, ташқарига чиқди ва тезда қайтиб кирди.
— Тинчликмикан?— деди хотини.
— Тинчлик! Итмизани уйғотиб кирдим! Энди хотиржам ётавер...
Мирбаходир БАДАЛОВ

МЕНГА ЭМАС...
Бош врач титраб турган бемордан сўради:
— Операция столдан нега қочиб кетдингиз?
— Биласизми,— деди бемор қалтираб,— ҳамшира, «қўрқманг, кўричакни олиб ташлаш жуда осон» деди...
— Жуда тўғри айтибди, кўричакни олиб ташлаш жуда ҳам осон!
— Тўғрику-я, у бу гапни менга эмас, аксинча, мени операция қилмоқчи бўлган дўхтурга айтди-да.

жаат қилибди:
— Менга сизнинг ёрдамингиз керак, дўхтуржон!
— Мутахассислигингиз нима?— сўрабди ундан дўхтур.
— Руҳий касалликлар бўйича дўхтурман...
— Нимага унда ўзингизни ўзингиз даволамайсиз?
— Ахир мен қимматига даволайман-да...

БОҒДАГИ САЙР
Бир аёл истироҳат боғида сайр қилиб юрган экан, қаердан бир овоз келибди:
— Тўхта!

● ЛАТИФАЛАР ●

ТАШЛАДИМ
— Мен ичишининг оқибати, чекишининг зарари тўғрисида жуда кўп ўқидим. Энди умуман ташласам деб турирман...
— Нимани? Ичиши билан чекишининг?
— Э, йўқ, ўқишини!

Аёл тўхтабди.
— Ёт!
Аёл ётибди.
— Эмакла!
Аёл эмаклай бошлабди. Шунда ит етаклаб юрган бир киши унинг тепасига келиб:
— Ўзингизни ёмон ҳис қилаясизми?— дебди ачиниш оҳангида.— Мен итими ўрабди турган эдим, қарасам сиз эмаклаб кетаясиз...

БАХТЛИ ТАСОДИФ
Кема офатга учраб, сувга гарқ бўлиб кетибди. Бахтли тасодиф туфайлигина бир эркак тирик қолиб, номаълум орол томон сузиб борибди. У оролда бахтли тасодиф туфайли омон қолган хотини турган экан. Хотини эрига бақриб берибди:
— Кани менга жавоб беринг-чи, бир кеча-кундуздан бунд қаерларда сангиб юрибсиз? Ахир кема кеча нўкиби кетган эди-ку!

АЖОЙИБ ШАҲАР
— Шаҳрингиз қандай ажойиб-а!— дебди бир сайёҳ кўчада кетаётган кишига.— Шаҳрингизни аҳолиси кундан-кунга ўсиб борапти-а?
— Умуман ўсаётгани йўқ,— дебди киши хўрсиниб,— агар шаҳримизда битта бола туғилса, ўша заҳоти битта эркак шаҳардан чиқиб кетади.

СИЗНИНГ ЕРДАМИНГИЗ КЕРАК
Бир бемор руҳий касалларни даволовчи дўхтурга муро...

Усто БАҒО ўғли тўплаган

● ТТТ ●
ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

ШОШИЛИНГ!

Жаҳонга машҳур «Пона С» фирмаси ўзининг энг сифатли ва харидоргир маҳсулотларини шахримиз дўконлари орқали аҳолига тавсия этади. Дўконларимиздан рангли телевизор ёки магнитола сотиб олган харидорга ўн донна рангли телевизор ва ўн донна магнитола қўшиб берилади. Бундай имкониятни фақат ва фақат «Пона С» фирмаси бераолади. «Пона С» — бу Сизнинг ва Бизнинг фирмамиз! Дўконларимизга шошилинг!

ТУЗАТИШ

Ҳурматли радиотингловчи ўртоқлар! Кеча ҳаво тўлқинлари орқали эшиттирилган «Сирлисой сойлари»

деб номланган радиоловҳада автор гапидан кейин бошланган «Эрта баҳор эди» деган жумлани, «Кеч куз эди», деб эшитган чиқарсиз деб умид қилиб қоламиз.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

Шаҳримиздаги «Топилмалар бюроси»да йўқолган буюмларнинг ким ошди савдоси бўлиб ўтади. Савдога уй-рўзгор буюмлари, турли хилдаги хўжатлар ва турли бичимдаги оёқ кийимлари кўйилади. Аукционга фақат буюмларини йўқотган фуқароларгина таклиф этилади.

«Топилмалар бюроси»

Илҳом ЗОЙИР

АҚДАН...

1. Хотинингиз рўмолчангизни йўқотиб қўйса, нима чора кўрасиз?
* * * * *
2. Қачон ер ўз ўқи атрофидан айланиши тезлашади?
* * * * *
3. Камарнинг яна бир вазифаси?
* * * * *
4. Сичқон неча йил умр кўради?
* * * * *
5. Хўрознинг рақобатдоши?
* * * * *

Уста
ИЛҲОМ ЗОЙИР

НАВЪНА

ХАНДАЛАР

— Утган йили уйнинг калитини йўқотганим эсингизми?
— Эсимда, нима эди?
— Биласанми, бугун чўнтагимни ковлаб, нимани топдим!
— Уйнинг калитини-да!
— Йўқ, калит тушиб кетган ўша тешикни топдим.
* * * * *
Толибжон, тўғриси айт, уй вазифангни ким ишлаб берди?
— Муаллим, тўғриси айтсам, билмайман.
— Нимага билмайсан?
— Кеча вақтлроқ ухлаб қолибман-да.
* * * * *
Салимжон,— деди ўқитувчи.— «Менинг кучгим» мавзусидаги иншонг ёнингдаги Тўранинг иншосига ўхшаб қолибди-ку!
— Иккаламиз битта кучук ҳақида ёзган эдик-да!
Тўпловчи: Раҳмат ТУЛАЕВ



Муаллиф: ИЛҲОМ ЗОЙИР

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим ИРИСБОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР,
Дадаҳон ЕКУБОВ, Фарҳод РУЗИЕВ,
Мухаббат ИБОВА, Ҳалим САЙИД
(бош муҳаррир ўринбосари), Ботир
ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОВЕ,
Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОКУЛОВ,
Муассис: Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси.
Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.
Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шуниингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино,
3-қават
Телефон: 39-43-95
Алижон САФАРОВ навбатчилик қилди.
Обуна индекси — 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма № Г-1119. 18415 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми,
2 босма табоқ.